

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.B.05.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚУРБОНОВ МИРЖАЛОЛ МАМАСАЙТОВИЧ

ҚАШҚАДАРЁ КОНУС ЁЙИЛМАЛАРИДАГИ ДЕГРАДАЦИЯГА
УЧРАГАН ТУПРОҚЛАРНИНГ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШ
ЙЎЛЛАРИ

03.00.13 – Тупроқшунослик

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Фарғона – 2022

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
биологических наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
biological sciences**

Қурбонов Миржалол Мамасайтович

Қашқадарёнинг конус ёйилмаларидаги деградацияга учраган
тупроқларнинг унумдорлигини ошириш йўллари..... 3

Қурбонов Миржалол Мамасайтович

Деградированные почвы Кашкадарьинского конуса выноса и пути
повышения их плодородия 21

Qurbonov Mirjalol Mamasaitovich

Degraded soils of the Kashkadarya cone spreading and ways to increase
fertility..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.B.05.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚУРБОНОВ МИРЖАЛОЛ МАМАСАИТОВИЧ

ҚАШҚАДАРЁ КОНУС ЁЙИЛМАЛАРИДАГИ ДЕГРАДАЦИЯГА
УЧРАГАН ТУПРОҚЛАРНИНГ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШ
ЙЎЛЛАРИ

03.00.13 – Тупроқшунослик

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Фарғона – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/B351 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме) Фарғона давлат университети ҳузуридаги илмий даража берувчи Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.fardu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Гафурова Лазизахон Акрамовна
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Қурвантаев Раҳмонтой
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
Шадиева Нилуфар Искандаровна
биология фанлари доктори, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD.03/30.12.2019.B.05.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «17» 09 соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 150100, Фарғона шаҳар, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел.: (+99873) 244-44-02; факс: (+99873) 244-44-93; e-mail: fardu_info@umail.uz).

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (183-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 150100, Фарғона шаҳар, Мураббийлар кўчаси 19-уй. Тел.: (+99873) 244-44-94).

Диссертация автореферати 2022 йил «30» 08 куни тарқатилди.
(2022 йил «30» 08 даги № 9 -рақамли реестр баённомаси).



Ғ.Юлдашев
Илмий даража берувчи илмий кенгаш
раиси, к.х.ф.д., профессор

У.Б.Мирзаев
Илмий даража берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.н., доцент

М.Т.Исағалиев
Илмий даража берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси,
б.ф.д., доцент

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳисобкитобларга кўра, бугунги кунда «дунёда 2 миллиардга яқин тупроқ ресурслари, яъни экин майдонлари, яйловлар, ўрмонларнинг, шулардан глобал миқёсда бутун ер майдонининг 25 фоизи деградацияга учраган. Тупроқ деградацияси натижасида йилига 24 миллиард тонна унумдор тупроқ қишлоқ хўжалигида фойдаланишдан чиқиб кетмоқда»¹. Ерларнинг таназзулга учраши ҳозирги ва келажакдаги ишлаб чиқариш қобилиятининг йўқолиши бу глобал муаммо бўлиб, у озик-овқат хавфсизлиги, нархларининг кўтарилиши, иқлим ўзгариши, биологик хилма-хиллик ва экотизим йўқолиши орқали барчага таъсир қилади. Шу сабабли тупроқларни деградация жараёнларидан муҳофаза қилиш ва деградацияга учраган тупроқларнинг унумдорлигини сақлаш ҳамда оширишга қаратилган илмий асосланган тадбирларни ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Дунёда тупроқ деградациясининг турлари ва уларнинг келиб чиқиши сабабларини тизимлаштириш, тупроқ хоссаларини яхшилаш, унумдорлигини ва ўсимликлар ҳосилдорлигини ошириш бўйича бир қатор устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада суғориладиган ерларда тупроқнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, органик деҳқончилик тизимини йўлга қўйиш, замонавий технологияларни қўллаган ҳолда тупроқнинг ҳозирги ҳолатини аниқлаш ва унумдорлигини ошириш, деградация жараёнларининг олдини олишга қаратилган илмий тадқиқотларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда тарқалган деградацияга учраган тупроқларни генетик ёндашув асосида комплекс ўрганиш, тупроқ унумдорлигини барқарор оширувчи замонавий ресурстежамкор агробιοтехнологиялар қўллаш орқали тупроқнинг экологик ҳолатини яхшиловчи ва экологик тоза, сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришнинг илмий асосларига қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2020-2030 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ...қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга мўлжалланган стратегиясида «қишлоқ хўжалиги ва озик-овқат тармоғини модернизациялаш, ер ва сув ресурслари, ўрмон фондидан оқилона фойдаланишни назарда тутувчи табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, фермер хўжалиқларида меҳнат ва тупроқ унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ҳамда бошқарувнинг замонавий тизимларини ривожлантириш»² бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада суғориладиган конус ёйилмалар тупроқларида кузатилаётган деградация жараёнларининг юзага келиш сабабларини аниқлаш, салбий жараёнларнинг олдини олиш, бу муаммоларнинг оқибатларини бартараф қилиш, асосий, оралик ва такрорий экинларнинг тупроқ хоссаларига таъсирини ўрганиш

¹ <https://www.thegef.org/topics/land-degradation>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

ҳамда тупроқнинг биологик ҳолати ва унумдорлигини сақлаш ва яхшилаш, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 17 июндаги «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5742-сон фармонида «тупроқ унумдорлиги ва қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш мақсадида илмий асосланган илғор инновацион технологияларни амалиётга тадбиқ этиш» ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги 841-сон «2030 йилгача бўлган вақтда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги»ги қарорлари бўйича бир қанча йўл хариталари ишлаб чиқилган. Бундан ташқари аҳолининг ижтимоий соҳасини ривожлантириш ва уларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабини қондириш мақсадида қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати ва унумдорлигини оширишда бир қанча вазифалар белгилаб берилган. Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъриёв-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Суғориладиган тупроқларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқ деградациясига қарши курашиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, экологик ҳолатини талаб даражасида сақлаш ва барқарорлаштириш ҳамда табиий муҳофазаланишини ташкил қилиш бўйича изланишлар турли вақтларда хорижлик ва республикамиз олимлари томонидан амалга оширилган. Жумладан, L.Wong, Jerry L.Hatfield, Richard M.Cruse, C.J.Ritsema, S.M. de Jong, Ram Sharma, Chen Jing-Zhang, C.J.Ritsema, Marta Jaskulak, Anna Grobelak, Л.Л.Ножин, А.П.Ливанов, Е.А.Жориков, З.С.Савко, Н.Т.Муравьева, Н.В.Кимберг, М.У.Умаров, М.У.Каримова, А.М.Расулов, О.К.Комилов, Л.Турсунов, Р.Қ.Кузиев, Л.А.Гафурова, М.М.Тошқўзиев, С.Абдуллаев, Р.Қурвонтоев, Ғ.Юлдашев, А.У.Ахмедов, В.Исаков, Н.Ю.Абдурахмонов, З.А.Жабборов, Т.Абдрахмонов, М.Исағалиев, Ғ.Т.Парпиев, Н.Шадиева, Д.А.Қодирова, Г.Т.Жалилова, М.Э.Саидова, А.Разаков, У.Мирзаев, Р.М.Мадримов ва бошқа олимларнинг илмий ишларида самарали натижаларга эришилган. Лекин муайян ҳудуд тупроқларининг шаклланиши, ривожланиши, хоссаларини конус ёйилмалар бўйича ўзгариш қонуниятларини аниқлаш ва деградация жараёнларининг уларга таъсирининг диагностика мезонларини ишлаб чиқиш ҳамда тупроқ унумдорлигини замонавий агротабирлар ва технологиялар ёрдамида ошириш бўйича тадқиқотлар етарлича амалга оширилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий тадқиқот ишлари режасининг ВА-ҚХФ-5-014 «Деградацияга учраган тупроқ унумдорлигини оширишнинг илмий асослари, тизимли моделлаштиришнинг назарияси» (2017-2020 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Қашқадарё конус ёйилма тупроқларининг шаклланиши ва эволюцияси қонуниятлари, морфогенетик хусусиятлари, таркиби ва хоссаларини аниқлаш, уларга таъсир этувчи деградация омиллари таъсирини тавсифлаш ва унумдорлигини ошириш йўллари ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Қашқадарё конус ёйилмаси худуди тупроқларнинг шаклланиши, ривожланиши ва эволюцияси қонуниятларини ҳамда деградация омилларини таҳлил қилиш;

конус ёйилмаси бўйича тупроқларнинг морфогенетик, агрокимёвий, кимёвий хоссаларини деградация жараёнлари таъсирида ўзгаришини ўрганиш;

конус ёйилма тупроқлари ҳолатининг информатив кўрсаткичлари асосида деградация диагностикаси мезонларини ишлаб чиқиш;

конус ёйилмалари тупроқларига оид ГАТ технологиялари асосида интерполятция услубидан фойдаланган ҳолда мавзули картографик моделларини тузиш;

худуд тупроқларининг асосий унумдорлик элементлари ва ўсимликлар органик массаси ўртасидаги коррелятив боғлиқликларини аниқлаш;

деградацияга учраган тупроқларни яхшилашнинг ресурстежамкор технологияларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қашқадарё конус ёйилмаси қисмларида деградацияга учраган суғориладиган оч тусли бўз, бўз-ўтлоқи, ўтлоқи аллювиал, тақирлар ва тақирли ҳамда сур тусли кўнғир-ўтлоқи тупроқлари олинган.

Тадқиқотнинг предметини тупроқларнинг унумдорлик элементлари, конус ёйилмаси бўйича уларнинг ўзгариши, картографик моделлар, деградацияга учраган тупроқларни яхшилаш ва ресурс-тежамкор технологияси ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар давомида тупроқ генетик қатламларидан олинган намуналарининг лаборатория таҳлили ва дала тажрибалари «Дала тажрибаларни ўтказиш услублари», Е.В.Аринушкинанинг «Руководство по химическому анализу почв» ва «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах» қўлланмаларидан фойдаланилди. Тупроқ таҳлиллари натижалари асосида картографик моделлар яратиш «Давлат ер кадастрини юритиш учун тупроқ

тадқиқотларини бажариш ва тупроқ хариталарини тузиш бўйича йўриқнома»сига мувофиқ ҳамда геостатистик, картографик таснифлаш, аэрокосмик услублар ёрдамида ArcGIS 10.6.1. замонавий дастурий таъминотидан фойдаланилган ҳолда бажарилди. Маълумотларнинг статистик-дисперсион таҳлили WinQSB-2,0 ҳамда Microsoft Excel дастури ёрдамида Б.А.Доспеховнинг «Методы полевого опыта» услуби бўйича амалга оширилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Қашқадарё конус ёйилмаси тупроқларининг комплекс ёндашувлар асосида шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари, тупроқ копламини информатив кўрсаткичлари асосида ҳозирги ҳолати ва уларнинг деградацияга учраш даражаси аниқланган;

деградацияга учраган тупроқларининг диагностик кўрсаткичлари, асосий унумдорлик элементлари, шўрланганлик даражаси ва типи, умумий ва заҳарли тузлар миқдорларининг конус ёйилма бўйича ўзгариш қонунияти аниқланган;

Қашқадарё конус ёйилмаси тупроқларида органик углерод миқдорининг ҳозирги ҳолати ва қиёсий захирасининг суғориш таъсирида ўзгариши асосланган;

геоахборот тизимлари технологиялари асосида Қашқадарё конус ёйилмаси тупроқларининг информатив кўрсаткичлари ўзгаришини ақс эттирувчи картографик моделлари тузилган, ҳудуднинг деградацияга учраган тупроқлари унумдорлигини оширишнинг ресурстежамкор технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ҳудудда тарқалган тупроқларнинг эволюцион-генетик жиҳатлари, агрокимёвий ва кимёвий хоссалари ҳамда микробиологик фаоллиги асосида, конус ёйилманинг ГАТ технологиялари ёрдамида тузилган картографик моделлари орқали содир бўлаётган ўзгаришлар аниқланган;

деградацияга учраган суғориладиган оч тусли бўз тупроқлар шароитида ғўза-ғалла навбатлаб экиш тизимида асосий экинлардан кейин оралиқ ва такрорий экинлар кўк массасини сидерат сифатида тупроққа киритиш бўйича агротадбирлар қўлланилиб тупроқ унумдорлигини белгиловчи элементлардан гумус миқдори назоратга нисбатан 0,39 %га, ҳаракатчан фосфор (P_2O_5) 3,4 мг/кг га, алмашинувчан калий (K_2O) миқдори 9,5 мг/кг га ортиши бўйича илмий асосланган тавсия ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотлар умумқабул қилинган дала ва лаборатория усуллардан фойдаланган ҳолда ўтказилгани, тадқиқот замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда қўйилган мақсад ҳамда вазифалар ечилгани, назарий ва амалий натижаларининг мослиги, статистик таҳлил услублари қўлланилгани ва олинган натижалар амалиётга жорий қилингани, Республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференцияларда муҳокама этилгани, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан

тавсия этилган маҳаллий ва хорижий илмий нашрларда чоп этилгани натижаларнинг ишончлилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Қашқадарё конус ёйилмалари тупроқларининг эволюцион-генетик жиҳатлари, агрокимёвий ва кимёвий хоссалари ҳамда микробиологик фаоллиги аниқланиб, деградацияни келтириб чиқарувчи омиллар кўрсатиб берилгани, диагностик мезонлари ҳамда худуд тупроқларининг унумдорлигини оширувчи аниқ натижалар илмий асослангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Қашқадарё конус ёйилмаларида деградацияга учраган суғориладиган оч тусли бўз тупроқларнинг унумдорлик элементларини акс эттирувчи картографик моделлари тузилган ва тупроқларнинг унумдорлигини оширишнинг ресурстежамкор технологияси ишлаб чиқилган. Асосий ва такрорий экинлардан кейин оралиқ экинларнинг кўк массасини сидерат қилиш агротадбирлари тупроқ агрокимёвий ва кимёвий хоссалари ҳамда микробиологик фаоллигини яхшилашда, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олиш ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишда хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қашқадарё конус ёйилмаларидаги деградацияга учраган тупроқларнинг эволюцион-генетик жиҳатлари, агрокимёвий ва кимёвий хоссалари ҳамда микробиологик фаоллигини ҳисобга олган ҳолда тупроқлар унумдорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Қашқадарё конус ёйилмаларидаги тупроқларнинг эволюцион-генетик жиҳатларидан тупроқ гуруҳлари ва миқдори бўйича, ГАТ технологиялари асосида картографик моделлари Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармасида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 10 декабрдаги 02/025-5013-сон маълумотномаси). Натижада, Қашқадарё конус ёйилмаси худудида қишлоқ хўжалиги экин турларини жойлаштириш, ер ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш имконини берган;

Қашқадарё конус ёйилмаси худудида деградацияга учраган тупроқларнинг гуруҳи ва миқдори аниқланган ҳолда тупроқ унумдорлигини оширишга қаратилган тавсиялар қишлоқ хўжалигида амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 10 декабрдаги 02/025-5013-сон маълумотномаси). Натижада, конус ёйилмаси худудида деградацияга учраган тупроқларнинг унумдорлигини оширишда комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш имконини берган;

деградация учраган суғориладиган оч тусли бўз тупроқларнинг унумдорлигини ошириш бўйича тажрибалар: дастлабки йил – 20 т/га гўнғ қўллаш, асосий экин – кузги буғдой, такрорий экин – мош, оралиқ экин – кўк масса сидерат сифатида хантал экилган; 2-йил эса – ғўза бўйича агротехник тадбирлар Қарши туманидаги фермер хўжалигида 9 гектар майдонда ҳамда

Жанубий дехқончилик ИТИ Қарши агроучасткасида 9 гектар майдонда, жами суғориладиган оч тусли бўз тупроқлар шароитида 18 гектар майдонда амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 10 декабрдаги 02/025-5013-сон маълумотномаси). Натижада, ўрта ҳисобда кузги буғдойдан 43,6 ц/га дон ҳосили, ғўзадан 37 ц/га пахта ҳосили, мошдан 11,3 ц/га дон ҳосили ва ханталдан 44,7 ц/га кўк масса ҳосил олиш ҳамда иқтисодий самарадорликка эришиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 9 та, жумладан, 2 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 1 та тавсиянома, 1 та Интеллектуал мулк агентлиги томонидан маълумотлар базасига муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома олинган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 4 та боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Қашқадарё ҳавзаси тупроқларининг ўрганилганлик ҳолати»** деб номланган биринчи боби икки қисмдан иборат бўлиб *«Қашқадарё ҳавзаси тупроқларнинг муаммолари ва таҳлиллари»* деб номланган биринчи қисмида хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили амалга оширилган. Бобнинг иккинчи *«Деградацияга учраган тупроқларнинг унумдорлигини оширишда замонавий ёндашувлар»* қисмида эса деградацияга учраган тупроқларнинг унумдорлигини оширишда замонавий ёндашувлар ғўза ва ғаллани навбатлаб экишда оралиқ ҳамда такрорий экинлар етиштириш ва такрорий экинларнинг кўк массасини сидерат сифатида қўллашнинг тупроқ унумдорлигига таъсири юзасидан мавзуга оид олиб борилган илмий тадқиқот ишлари ҳамда маълумотлари ўрганилган. Қайд қилинган адабиётлар таҳлилидан якуний хулоса шуки, антропоген омиллар таъсирида суғориладиган тупроқларнинг эволюцион ўзгариш жараёнларида

тупроқларнинг деградацияга учраш сабаблари, тупроқларнинг асосий хосса хусусиятлари, унумдорлигини сақлаш ва оширишга қаратилган замонавий агротехнологиялар ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотларни олиб бориш зарурияти мавжуд.

Диссертациянинг «Қашқадарё ҳавзаси табиий иқлим шароитининг ўзига хос хусусиятлари, тадқиқот услублари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар ўтказилган жойнинг географик ўрни, иқлими, литологик, геоморфологик ва гидрогеологик шароитлари, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси, тупроқлари, тупроқ пайдо қилувчи она жинси, уларнинг қишлоқ хўжалигидаги аҳамияти, тупроқларнинг умумий таснифи, тадқиқот олиб бориш услублари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Ёйилмада, асосан, сахро ва бўз минтақасининг тупроқлари тарқалган.

I. Сахро (чўл) минтақаси тупроқлари: сур тусли кўнғир, тақирли тупроқлар, қумли чўл тупроқлари. II. Бўз тупроқлар: оч тусли бўз тупроқлар, суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқлар, суғориладиган ўтлоқи тупроқлар, суғориладиган ўтлоқи - аллювиал тупроқлар.

Тадқиқот ҳудудининг тупроқлари, асосан, лёсс ётқизикларида ривожланган. Кўпчилик геолог олимларнинг фикрларига кўра, Марказий Осиё лёссларининг келиб чиқиши сув билан боғлиқ ҳолда, асосан, аллювиал-пролювиал ётқизиклари маҳсулотларидан иборат. Қашқадарё жанубда жойлашгани учун иқлими қуруқ ва иссиқ. Январнинг ўртача ҳарорати 1 С⁰, июлники 28 С⁰-29 С⁰, энг юқори ҳарорати 46 С⁰-47 С⁰. Ёғин миқдори рельеф баландлашган сари ортиб боради, текислик қисмида 200 мм, тоғ ён бағирларида 450-500 мм. Ёғиннинг кўп қисми қиш ва баҳор фаслларида тўғри келади. Қашқадарё ҳавзаси мураккаб геологик, геоморфологик, тупроқ ва иқлим шароитларига эга бўлгани сабабли хилма-хил ўсимлик қопламига эга.

1-жадвал.

Ғўза-ғалла алмашлаб (навбатлаб) экиш тизимида деградацияга учраган тупроқларнинг умумдолигини ошириш агротехнологияси

(Жанубий дехқончилик ИТИ. 2019 – 2020 й.й)

№	2019			Ўғит меъёри, кг/га			2020	
	Асосий	Такрорий	Оралик	Органик т/га	N	P		K
1	Кузги буғдой (назорат)				180	90	60	Ғўза
2	Ғўза				200	140	100	Ғўза
3	Кузги буғдой				180	90	60	Кузги буғдой
4*	Кузги буғдой	Мош	Хантал	20	180	90	60	Ғўза
5	Кузги буғдой	Мош	Хантал		180	90	60	Ғўза

Изоҳ*: 4 вариантда ҳар йили 20 т/га гўнг қўлланилган, хантал экинни сидерат сифатида экилган.

Тадқиқот (2019-2020) йилларида Қашқадарё конусининг юқори қисмида Жанубий дехқончилик ИТИ Қарши марказий тажриба хўжалигида тарқалган деградацияга учраган суғориладиган оч тусли бўз тупроқларда олиб борилди. Ғўза экишда (2-йил), буғдой кейин такрорий экин мош, икки йилда бир марта 20 т/га органик ўғит қўллаш, такрорий экиндан кейин оралик экин хантал экиш тизимида тупроқ унумдорлигини ошириш имкониятларини излашга қаратилган. Тажриба Ғўзанинг «Бухоро-102», кузги юмшоқ буғдойнинг

«Ғозғон», такрорий экин мошнинг «Дурдона» ва оралик экин сифатида ханталнинг «Юбилейная» навлари 5 та вариантда ўтқазилди. Тажрибавий тадқиқот ишлари Қарши туманидаги «Суяров Тохир» ва «Хусниддин Хусанов Нормаматович» фермер хўжаликлари тупроқларида олиб борилди.

Диссертациянинг «**Қашқадарё конус ёйилмаси тупроқларининг асосий хосса-хусусиятлари**» деб номланган учинчи боби тўрт қисмдан иборат бўлиб, уларда Қашқадарё хавзаси, Қарши чўли ва конус ёйилма тупроқларининг морфогенетик хусусиятлари, агрофизикавий, кимёвий ва агрокимёвий хоссалари ҳамда эволюцион жиҳатлари ва омиллари ҳақидаги тадқиқот натижалари келтирилган.

Мазкур бобнинг «*Қашқадарё конус ёйилмаси тупроқларининг морфологик хусусиятлари*» деб номланган биринчи қисмида Қарши чўлининг марказида Қашқадарё жойлашган, шунингдек, асосий қисмини Қашқадарё дарёсининг дельтаси эгаллаган автоморф тупроқлар оч тусли бўз, сур кўнғир ва тақирли тупроқлар суғориш таъсирида ярим гидроморф тартибига ўтиши, яъни суғориладиган бўз-ўтлоқи, суғориладиган сур кўнғир ўтлоқи, суғориладиган тақир-ўтлоқи тупроқлар шаклланган ва уларнинг морфологик белгилари ҳамда агроирригацион қатлам қалинликлари билан конус ёйилма қисмларида бир-бирдан ажралиб туради.


Мазкур бобнинг «*Қашқадарё конус ёйилмаси тупроқларининг умумий физик хоссалари ва механик таркиби*» деб номланган иккинчи қисмида конуснинг юқори қисмидаги оч тусли бўз тупроқларнинг солиштирма массаси ҳайдалма қатламида 2,62-2,66 г/см³ ни ташкил этди, дарёнинг чап қирғоғидаги бўз-ўтлоқи тупроқларнинг солиштирма массаси 2,60-2,64 г/см³ ни ташкил этган. Ҳажм оғирлик миқдори ҳам оч тусли бўз ва бўз ўтлоқи тупроқларда 1,33-1,40-1,31-1,41 г/см³ ни ташкил этиб, умумий ғоваклик ҳам мос равишда 50,20-44,06-50,10-46,36 %ни ташкил қилган. Конуснинг ўрта қисмида эскидан суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқларда солиштирма массаси 2,58-2,61 г/см³ ни, ҳажм оғирлик 1,30-1,48 г/см³ ни ташкил этди, умумий ғоваклик эса 49,61-43,30 %ни ташкил қилган. Механик таркиби конуснинг юқори қисмида ўрта кумоқ (0,05-0,01мм заррачалар) 39,0-44,5 %ни, конуснинг ўрта ва қуйи қисмлари дарёнинг чап қирғоғида физик лой (0,01 мм дан кичик заррачалар) миқдори 32,6-46,1 %ни ташкил этиб механик таркиб конуснинг юқори қисмидан ўрта ва қуйи қисми томон оғирлашиб борган.

Мазкур бобнинг «*Қашқадарё конус ёйилмаси тупроқларининг агрокимёвий ва физик-кимёвий хоссалари*» деб номланган учинчи қисмида конус ёйилма тупроқларида суғориш жараёнида тупроқларда гумус миқдори ҳайдалма ва ҳайдалма ости қатламларида кўриқ ҳолатига кўра анча камайган ҳамда у 0,7-0,9 % ҳайдалма ва ҳайдалма ости қатламларида 40-50 см дан бошлаб эса 0,5-0,7 %, 60 см дан чуқур қатламларда 0,3-0,4 %, ўртасида ўзгариб туради. Озиқа моддалар бўйича умумий азот-0,048-0,109 %, умумий P₂O₅-0,097-0,150 %, умумий K₂O 0,48-0,81 % оралиғидалиги аниқланди.

Ҳаракатчан фосфор билан кам 9,0-25,0 мг/кг, калий билан 252,8-240,8 мг/кг ўрта таъминланган гуруҳга киради. Қадимдан суғориладиган


тувроқлар кесмасининг юқори қисмида қалинлиги 60-70 см дан иборат агроирригацион қатлам шаклланган. Суғориладиган бўз-ўтлоқи тувроқлар ялпи фосфор шакли билан яхши, 0,12-0,21 % ялпи калий билан кам – 1,50-1,80 % таъминланган. CO₂ карбонат микдорлари тувроқ кесмасида 8,28-9,78 % ни ташкил қилади.

Мазкур бобнинг «Қашқадарё конус ёйилмаси тувроқларининг эволюцион жиҳатлари ва омиллари» деб номланган тўртинчи қисмида ҳозирги вақтда узоқ муддатли суғориш натижасида тасвирланган ҳудуднинг рельефи сезиларли даражада ўзгарган. Табиий узлуксизлик ёйилма томонидан йўқ қилинди. Текисликни кесиб ўтувчи каналлар бўйлаб суғориш чўкиндиларининг чўкиши натижасида заиф ўсишлар ҳосил бўлган. Деграляция омиллари бўлиб алмашлаб экишни жорий қилмасдан ердан узоқ муддат фойдаланиш, тувроқ эрозияси ва тадқиқот ҳудуди жанубий минтақада жойлашгани учун бу ерларда чўлланиш жараёнлари тувроқларнинг табиий ҳолатининг ёмонлашишига сабаб бўлган, баъзи тувроқ типлари ўзгарган (1-расм).



1-расм. Қашқадарё конус ёйилмасида тарқалган тувроқлар %да.

Амударё-Қарши магистрал канали ишга туширилиши натижасида ушбу ҳудуд батамом ўзлаштирилди. Кейинчалик бу тувроқлар эволюциясида автоморф шароитдан яримгидроморфга ўтиши натижасида, суғориладиган оч тусли бўз-ўтлоқи, ўтлоқи-бўз, ўтлоқи аллювиал, сур тусли кўнғир-ўтлоқи ва тақир-ўтлоқи тувроқлар шаклланди. Қашқадарё конус ёйилмаси ҳудудлари антропоген омиллар таъсирида Амударё-Қарши магистрал канали орқали суғориш натижасида геоморфологик жиҳатдан Қашқадарё ёйилмасига айланган. Ҳозирги кунга келиб ҳудуднинг барча кўриқ майдонлари ўзлаштирилган. Тадқиқот ва изланишлар натижасида илк бор Қашқадарё конус ёйилмаси тувроқларининг ҳозирги ҳолатининг картографик моделини тузишга муваффақ бўлдик (2-расм).



2-расм. Қашқадарё конус ёйилмаси тупроқларининг ҳозирги ҳолатининг картографик модели.


Диссертациянинг «Деградацияга учраган тупроқларнинг унумдорлигини ошириш йўллари» деб номланган тўртинчи боби олти қисмдан иборат бўлиб, конус ёйилмаси тупроқлардаги тузлар сифат таркиби, заҳарли тузларнинг захираси, тарқалиши ва шўрланиш химизми, органик углерод тарқалиши, унинг захирасининг ўзгариши, тупроқларнинг деградацияга учраш сабаблари ҳамда индикаторлари, асосий экинлардан кейин такрорий экин мош, оралиқ экин ханталнинг кўк массасини сидерат сифатида тупроққа киритиш агротехнологияси ғўза ва ғалла ўсиши ҳамда ривожланишига, тупроқ унумдорлигини белгилайдиган озика элементлари ва микробиологик фаоллигига таъсири тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Мазкур бобнинг «Қашқадарё конус ёйилмаси тупроқларидаги тузларнинг сифат таркиби, заҳарли тузларнинг захираси тарқалиши ва шўрланиш химизми» деб номланган биринчи қисмида тузларнинг захираси 0-30 см қатламда 63,840 т/га ни ва қуйи 90-120 см қатламда 139,050 т/гани ташкил этган.

Дарёнинг чап қирғоғидаги ўтлоқи аллювиал тупроқлар ҳам ўртача даражада шўрланган бўлиб, шўрланиш типи хлорид сульфатли. Заҳарли тузлар миқдори 0-30 см қатламда 0,56 %ни ташкил қилди.

Тузлар захираси ҳайдалма қатламда 75,060 т/га, қуйи қисмида эса 80-140 см қатламда 90,560 т/га ни ташкил этган. Конуснинг қуйи қисмидаги тақир-ўтлоқи ва сур тусли қўнғир-ўтлоқи тупроқлар шўрланиш даражасига кўра ўртача ҳамда тупроқ кесмасининг пастки қатламларида кучли шўрланиш даражасига эгаллиги аниқланди. Шўрланиш типи хлорид-сульфатли, заҳарли тузлар миқдори 0-25 см қатламда 0,56-0,50 %ни ташкил этган, тузлар захираси ҳайдалма қатламда 72,050-63,840 т/га, тупроқлар кесмасининг қуйи қисмида 90,565-133,040 т/га оралиғида ўзгариб туриши аниқланди.

Тузларнинг сифат таркибида Na_2SO_4 кўп бўлса, уларнинг минераллашганлиги ортиши билан MgSO_4 миқдори ошиши кузатилади. Натрий миқдори хлор миқдорига боғлиқ ҳолда ўзгаради. $\text{Ca}(\text{HCO}_3)_2$ миқдори ҳам кўп эмас (0,052-0,024%). Тупроқ типлари ва она жинсга мос равишда CaSO_4 0,174-0,099 дан 0,880-0,905% оралиғида ўзгариб туришини кўришимиз мумкин (3-расм).




3-расм. Конус ёйилма тупроқларида захарли тузлар миқдорининг ўзгариши 0-100 см қатламида % да, К-3, К-4 – конуснинг юқори қисми дарёнинг ўнг ва чап қирғоқлари, К-6, К-7 – конуснинг ўрта қисми дарёнинг ўнг ва чап қирғоқлари, К-9, К-2 конуснинг қуйи қисми.

Мазкур бобнинг «Қашқадарё конус ёйилмаси тупроқларида органик углерод тарқалиши, унинг захирасининг ўзгариши» деб номланган иккинчи қисмида конуснинг юқори қисмида дарёнинг чап қирғоғидаги бўз-ўтлоқи тупроқлар шаклланган, бу тупроқларнинг 0-25 см қатламида органик углерод захираси 2,20 т/га ни ташкил қилди, ҳайдалма ости 25-48 см қатламида 3,12 т/га ни ташкил этган, тупроқ кесмасининг қуйи қатламида 75-140 см да 6,34-6,52 т/га эканлиги аниқланди. Қиёсланганда ўрганилганда қадимда бу тупроқлар Қашқадарё конус ёйилмасидаги кўриқ оч тусли бўз тупроқлар бўлиб 0-7 см қатламида 14,36-11,58 т/га ни ташкил этган.

Мазкур бобнинг «Тадқиқот ҳудуди тупроқларнинг «Landsat» RGB космик тасвирлари каналлари комбинациялари ва картографик моделлари» деб номланган қисмида Landsat, OLE, RGB космик тасвирлари каналлари комбинацияларининг йиллар давомида ўзгариши таҳлил қилинган, тўпланган маълумотлар ва тақиқот ҳудуди тупроқларининг информатив кўрсаткичлари асосида ГАТ технологияларини қўллаган ҳолда ўрганилган ҳудуднинг кўп қатламли харитографик моделлар тўплами яратилган бўлиб, у ҳудуд оч тусли бўз тупроқларнинг юқори қатламида гумус, фосфор, калий, CO_2 карбонатлар, физик лой, ғоваклик-асосий тупроқ унумдорлик элементлари ифодаловчи маълумотларни ўз ичига олади. Улар тупроқ ресурсларидан оқилона фойдаланиш, агротехник ва агромелиоратив тадбирлар ишлаб чиқиш,

деградацияга учраганлиги бўйича мониторинг тадқиқотларини олиб боришда қўллаш тавсия этилган (4-расм).



4-расм. Тажриба ҳудуди тупроқларининг усти қатламида гумус, калий ва фосфор миқдорларини тавсифловчи картографик моделлари.

Мазкур бобнинг «Қашқадарё конус ёйилмасида деградацияга учраган тупроқ унумдорлигини оширишда қўлланилган агротехнологияларнинг самарадорлиги» деб номланган қисмида тажриба тизимидаги 2019 йил вариантларида ўртача хантал ўсимлигида хўл масса 55,1-52,0 ц/га, қуруқ масса ханталда 18,35-17,22 ц/га ни ташкил этиши аниқланди.

2-жадвал.

Сидерат сифатида экилган оралиқ экин ханталнинг ҳосилдорлиги

Вариантлар	Экин тури	2019-2020 йиллар		
		Ҳосилдорлик, ц/га		Илдиз ва анғиз қолдиғи, ц/га
		Хўл масса	Қуруқ масса	
4	Хантал	55,1	18,35	32,85
5	Хантал	52,0	17,22	32,26

Навбатлаб экишда биринчи марта мош экилган вариантлар орасида 20 т/га гўнг қўлланилган буғдой+мош+хантал: гўза тизимидаги 4-вариантда энг юқори ҳосил олишга эришилди. Бунга кўра, дон ҳосили 17,54 ц/га, кўк масса 61,26 ц/га, қуруқ масса 19,76 ц/га, илдиз ва анғиз қолдиқлари 32,95 ц/га ни ташкил қилди. Шундай тизимдаги фақат органик ўғит қўлланилмаган 5-вариантда биринчи йили тегишлича, дон ҳосили 15,77; 14,76 ц/га, кўк масса 59,62; 57,98 ц/га, қуруқ масса 19,23; 18,85 ц/га, илдиз ва анғиз қолдиқлари 32,32; 30,83 ц/га ни ташкил этган бўлса, бунга нисбатан энг мақбул 4 вариантда дон ҳосили 1,67 ц/га, кўк масса 1,64 ц/га, қуруқ масса 0,53 ц/га, илдиз ва анғиз қолдиқлари 0,63 ц/га юқори бўлганлиги аниқланди.

Мазкур қисмнинг «Навбатлаб экиш тизимида такрорий ва оралиқ экинлар қўлланилганда тупроқ унумдорлик кўрсаткичларининг ўзгариши» бўлимида тажрибанинг якунида 1-вариантда дастлабкига нисбатан тупроқ ҳайдалма қатламида гумус миқдори 0,195 %, умумий азот миқдори 0,01 %, ҳаракатчан фосфор миқдори 7,6 мг/кг, алмашинувчан калий миқдори 0,7 мг/ кга камайгани аниқланди. 2-3 вариантларда гумус миқдори 0,712 % (-0,168 %), умумий азот миқдори 0,064 %(+0,0087 %), ҳаракатчан фосфор миқдори 19,4 мг/кг (-1,9 мг/кг), алмашинувчан калий миқдори 380,2 мг/кг (-10 мг/кг) ни ташкил этди. Энг мақбул 4-вариантда гумус миқдори

1,136 % (+0,039 %), умумий азот миқдори 0,074 % (+0.002 %), ҳаракатчан фосфор миқдори 17,5 мг/кг (+0,2 мг/кг), алмашинувчан калий миқдори 433,3 мг/кг (+9,5 мг/кг)ни ташкил қилган. 5-вариантда сидерат экини экишдан олдин шудгорлаш даврида олинган дастлабки тупроқ намуналари таҳлиллари 0-29 см тупроқ қатламдаги гумус миқдори 1,060 % (-0,017 %), умумий азот миқдори 0,092 %, ҳаракатчан фосфор миқдори 16,1мг/кг (+1 мг/кг), алмашинувчан калий миқдори 483,8 мг/ кг ни ташкил этди. Ушбу бўлимда тупроқлар таркибида озика элементларни дастлабки йилга нисбатан тажриба якунида ўзгариши тўғрисида таҳлиллар келтирилган.

Мазкур қисмининг «*Сузориладиган оч тусли бўз тупроқлар микробиологик фаоллигига қўлланилган агротехнологиянинг таъсири*» бўлимида энг юқори кўрсаткич тадқиқотларимиз кўрсатиши бўйича аммонификаторлар миқдори ўрганилган оч тусли бўз тупроқларда кўп эмас ва тупроқ кесмаси бўйлаб 1 г тупроқда 450 минг тадан 150 мингта оралиғида ўзгаришини кўрамиз. Замбуруғлар миқдори ўрганилган оч тусли бўз тупроқларда кўп эмас ва тупроқ профили бўйлаб 1 г тупроқда 22 минг тадан 4 мингта оралиғида ўзгаришини кўрамиз. Ушбу тупроқларда микроорганизмлар сонини тепа қатламдан ҳайдалма ости қатламлар томон 2-3 баробарга камайиб боради. Энг юқори кўрсаткич 4-вариант тупроқнинг ҳайдалма қатлами 0-15см да аммонификаторлар сони 1100, 1700, 1400, минг/дона хужайрани, азотфиксаторлар сони 40, 60, 70, минг/дона хужайрани, актиномицетлар юқорилиги кузатилди 0-15 см да 600 минг/г хужайрани, остки 15-30 см қатламида эса 150 минг/г хужайрани, замбуруғлар сони 8-12 минг/дона 15-30 см қатламида эса 10-22 минг/дона хужайрани ташкил қилган.

Мазкур бобнинг «*Тупроқларнинг асосий унумдорлик элементлари ва ўсимликлар органик массаси ўртасидаги коррелятив боғлиқликлар ҳамда иқтисодий самарадорлиги*» деб номланган қисмида тупроқларининг асосий хосса ва хусусиятлари ҳамда ўсимликлар органик массаси ўртасида коррелятив боғлиқликлар мавжудлиги кузатилди. Ханталнинг органик массаси билан тупроқдаги гумус ўртасидаги коррелятив боғлиқлик $r = 0,99$ тенг тўғри чизикли эканлиги, ғўзанинг ҳосилдорлиги ва тупроқдаги азот ўртасидаги боғлиқлик $r = 0,92$ тўғри чизикли боғлиқликлар юқори эканлиги аниқланди, мош ва такрорий экин хантал кўк массаси сидерат қилиб ғўза етиштиришда ўртача ҳосилдорлик 37,0 ц/га ташкил этиб, гектарига сарфланган харажатлар 12634,5 млн. сўм, соф даромад 4278,2 млн. сўмни, 1 кг пахта давлат харид нархи 4571,0 сўмни, иқтисодий рентабеллик даражаси 33,9 %ни ташкил этган.

Мазкур бобнинг «*Сузориладиган оч тусли бўз тупроқларнинг деградация омиллари ва индикаторлари*» деб номланган охириги қисмида ўрганилган ҳудуд тупроқларнинг шаклланиши, ривожланиши ҳамда деградация омиллари таҳлил қилинган. Тажриба олиб борилган тупроқларнинг комплекс маълумотлари асосида ГАТ технологиялари ёрдамида тупроқларнинг деградацияга учраганлиги бўйича картографик модел ишлаб чиқилиб, 4 та агроэкологик гуруҳлар бирлаштирилганлиги:

деградацияга учрамаган, кучсиз, ўртача ва кучли деградацияга учраган. Гуруҳларга ажратишда индикаторлар сифатида конус ёйилма элементи, гумус, карбонатлар миқдори, механик таркиб, тупроқ зичлиги, шўрланиш даражаси ва типи, токсик тузлар захираси, сингдирилган магний танланганлиги ҳақида маълумотлар келтирилган.

3-жадвал.

Қашқадарё конус ёйилмаси суғориладиган тупроқларининг деградацияга учраганлиги бўйича индикаторлари

Кўрсаткичлар	Деградацияга учрамаган	Кучсиз деградацияга учраган	Ўртача деградацияга учраган	Кучли деградацияга учраган
Агроирригацион қатлам қалинлиги, см	> 85-100	50-85	< 50	-
Қиялик нишаблиги, С ⁰	0,5-1	1-2	3-4	> 5
Сизот сувларининг чуқурлиги, м	>3-5	2-3	1-2	0,5-1,0
Гумус, %	>1,2	1,0-0,8	0,8-0,6	< 0,4
Қуруқ қолдиқ, %	< 0,30	0,30-1,00	1,00-2,00	>2,00-3,00
Ҳаракатчан Р ₂ О ₅ , мг/кг	> 45-60	30-45	15-30	< 5-15
Алмашинувчи К ₂ О, мг/кг	> 300-400	200-300	100-200	< 100-50
Шўрланганлик даражаси	Шўрланмаган	Кучсиз шўрланган	Ўртача шўрланган	Кучли шўрланган
Шўрланиш типи	-	Хлорид сульфатли	Сульфат-хлоридли	Хлоридли
Умумий тузларга нисбатан заҳарли тузларнинг миқдори, %	Кучсиз < 20-30	Ўртача 30-50	Баланд 50-65	Жуда кучли >65-75
Заҳарли тузлар типи	Сульфатли калцийли	Хлорид сульфатли	Сульфат-хлоридли	Хлоридли
Сингдирилган магний, %, 10-50 см	<10-15	20-30	35-55	>60-75
Физик лойнинг миқдори, <0,01 %	20-30	30-45	45-60	60-75
Тупроқ муҳити рН	7-7,3	7,3-7,5	7,5-7,8	>8

ХУЛОСАЛАР

1. Қашқадарё конус ёйилмаси тупроқларининг ўзига хос иқлимнинг континенталиги ва қурғоқчиллиги, гидрогеологик, геоморфологик ва литологик тузилиши, ўсимлик қопламанинг сийраклиги каби табиий-экологик шароитлари унинг ҳосил бўлишига таъсир кўрсатади ҳамда деградация жараёнлари учун қулай шароитни юзага келтиради. Худуд тупроқлари морфогенетик, агрокимёвий, агрофизикавий, физик-кимёвий, биологик хоссаларининг ҳослиги, уларнинг эволюцияси антропоген омил таъсири ва иқлим ўзгариши жараёни билан боғлиқ.

2. Қашқадарё конус ёйилмаси тупроқлари ярим чўл ва чўл минтақаларида жойлашган бўлиб, автоморф (оч тусли бўз, тақирли, сур тусли кўнғир, чўл-қумли), гидроморф (ўтлоқи аллювиал) ҳамда ярим гидроморф (бўз-ўтлоқи, тақир-ўтлоқи, сур тусли кўнғир утлоқи) тупроқлар шаклланган. Конус ёйилманинг тупроқлари генетик қатламларининг морфологик кўрсаткичлари (гумусли қатлам қалинлиги, шўрланганлиги, карбонатлиги, механик таркиби, зичлиги, янги яралма ва қўшилмалари, агроирригацион қатлам мавжудлиги ва унинг қалинлиги) билан конуснинг юқори қисмидан ўрта ва қуйи қисмларида ўзига хослиги билан ажралиб туради.

3. Конуснинг юқори қисмидан қуйи қисмига қараб оч тусли бўз ҳамда бўз-ўтлоқи ва ўтлоқи аллювиал тупроқлар томон тупроқ, гумусли қатлам қалинлиги, шўрланганлиги, карбонатлиги ортиб, механик таркиби оғирлашиб боради. Эскидан суғориладиган тупроқларда агроирригацион қатлам ранги, механик таркиби, гумусли қатлам қалинлиги билан тавсифланади. Агроирригацион қатлам бўйича тупроқлар «қалин» ва «ўртача қалин» гуруҳларга ажратилди.

4. Қашқадарё конус ёйилмаси худуди тупроқлари механик таркибига кўра ўрта, оғир ва енгил қумоқли бўлиб, йирик чанг (0,05-0,01 мм) 31,0-41,3 % ва майда чанг (0,005-0,001 мм) 11,9-27,8 % фракциялари устунлик қилиши ҳамда ил фракцияси (<0,001 мм) 11,9-21,5 % миқдорларда ўзгариши кузатилди. Конус ёйилмаси худуди дарёнинг ўнг қирғоғи Бэер қонунига биноан нисбатан кўпроқ емирилиши оқибатида чап қирғоғидаги тупроқларининг механик таркиби оғирлашганлиги аниқланди. Худуд тупроқларининг умумий физик хоссалари-зичлиги юқорилиги, ғоваклик даражаси пастлиги билан изоҳланди.

5. Конус ёйилмаси тупроқларига деградация жараёнларининг таъсирида паст даражадаги потенциал унумдорлиги хосдир. Конуснинг юқори ва ўрта қисмларидан қуйи қисмларига, дарёнинг чап қирғоғидан ўнг қирғоғи томон аста-секинлик билан гумус ва озика элементлар камайиб боради. Худуд тупроқлари юқори карбонатлашган, CO₂ карбонатлар миқдори 8,28 %дан 11,27 %ни ташкил қилади, сингдириш сиғими юқори эмас, ишқорларга тўйинган, баъзи тупроқларда сингдирилган магний миқдори юқорилиги аниқланди.

6. Конус ёйилма тупроқлари юқори қисмидан ўрта ва қуйи қисми томон шўрланиш кучсиз-ўрта-кучли даражагача, шўрланиш типи мутаносиб сульфат, хлорид-сульфат, сульфат-хлоридгача ўзгариб борди. Дарёнинг ўнг соҳил тупроқлари шўрланиш даражаси ва туз захираси чап соҳили тупроқларига нисбатан пастроқ кўрсаткичларга эгаллиги билан тавсифланади. Тупроқлар токсик тузлари захираси бўйича, конус ёйилманинг юқори қисми>ўрта қисми>қуйи қисми томон кўпайиб борувчи қаторни ҳосил қилади. Токсик тузлар захираси тупроқлардаги умумий тузлар захирасига нисбатан конуснинг юқори қисмида 44,84-47,98 %, ўрта қисмида 50,54-62,23 %, қуйи қисмида 66,07-67,96 %ни ташкил этади.

7. Қашқадарё конус ёйилмаси тупроқларига оид комплекс маълумотлар асосида ГАТ технологиялари ёрдамида тупроқларни деградацияга учраганлиги бўйича картографик модел ишлаб чиқилиб, 4 таагроэкологик гуруҳлар бирлаштирилди: деградацияга учрамаган 19761,93 га, кучсиз 23049,27 га, ўртача 21391,56 га ва кучли 10090,89 га майдонни ташкил қилган. Гуруҳларга ажратишда индикаторлар сифатида конус ёйилма элементи, гумус, карбонатлар миқдори, механик таркиб, тупроқ зичлиги, шўрланиш даражаси ва типи, токсик тузлар захираси, сингдирилган магний танланди. Ушбу мезонлар тупроқларни деградация даражасини аниқлаш, хариталаш, унумдорлигини баҳолаш ва агрогуруҳларга ажратиш имконини берган. Худуднинг деградацияга учраган тупроқларига оид маълумотлар

банки (тематик картографик моделлар ва маълумотлар базасидан иборат) тузилган.

8. Қашқадарё конус ёйилмаси тупроқлари картографик маълумотлар асосида қиёсий-тарихий таққосланиб, эволюция антропоген омил таъсирида ҳудудда тарқалган автоморф (оч тусли бўз), ярим гидроморф (бўз-ўтлоқи, ўтлоқи-бўз) тупроқларга ўтгани аниқланган.

9. Деградацияга учраган оч тусли бўз тупроқларни ғўза-ғалла экинлари тизимида унумдорлигини тиклаш ва оширишда органик моддага бойитиш мақсадида экологик соф ресурстежамкор технология ишлаб чиқилган. Навбатлаб экишда назорат, иккинчи ва учинчи вариантларга нисбатан такрорий мош экилган ҳамда хантал сидерат ва 20 т/га гўнг қўлланилган 4-вариантда энг юқори ҳосил олишга эришилди. Шундай тизимдаги фақат органик ўғит қўлланилмаган 5-вариантга нисбатан энг макбул 4-вариантда дон ҳосили 1,67 ц/га, кўк масса 1,64 ц/га, қуруқ масса 0,53 ц/га, илдиз ва анғиз қолдиқлари 0,63 ц/га юқори бўлгани аниқланган.

10. Макбул 4-вариантда дон ҳосили, кўк масса, қуруқ масса, илдиз ва анғиз қолдиқлари тупроқнинг таркибидаги органик углерод, тупроқлар унумдорлиги кўрсаткичлари миқдори таъсир этиб, гумус миқдори 0,039 % га, ҳаракатчан фосфор (P_2O_5) 3,4 мг/кг га, алмашинувчан калий (K_2O) миқдори 9,5 мг/кг га ортган ва микроорганизмлар (аммонификатор, азотфиксатор, актиномицет ва замбуруғлар) фаоллиги билан юқори коррелятив боғлиқлиги аниқланган ($r=0,86-0,99$). Натижада, ўрта ҳисобда кузги буғдойдан 43,6 ц/га дон ҳосили, ғўзадан 37 ц/га пахта ҳосили, мошдан 11,3 ц/га дон ҳосили ва ханталдан 44,7 ц/га кўк масса ҳосил олишга эришилган, иктисодий рентабеллик даражаси 33,9 %ни ташкил қилган.

11. Деградацияга учраган суғориладиган оч тусли бўз тупроқларнинг унумдорлигини ошириш бўйича ғўза-ғаллани навбатлаб экиш дастлабки йил 20 т/га гўнг қўллаш, асосий экин – кузги буғдой, такрорий экин – мош, оралик экин – кўк масса сидерат сифатида хантал экиш агротадбирлари макбул бўлиб ерлардан самарали фойдаланиш учун тавсия этилади.

12. Қашқадарё конус ёйилмаси тупроқлари учун дала-экспедицион тадқиқотлар ҳамда ГАТ технологияларини қўллаган ҳолда ҳудуднинг кўп қатламли тематик картографик моделлар тўплами яратилган (гумус бўйича, физикавий лой, CO_2 карбонатлар, ҳаракатчанг фосфор, алмашинувчан калий, ғоваклик, шўрланиш, токсик тузлар захираси, тупроқларни деградацияга учраганлиги) бўлиб, уларни тупроқ ресурсларидан оқилона фойдаланиш, агротехник ва агромилиоратив тадбирлар ишлаб чиқиш, деградацияга учраганлиги бўйича мониторинг тадқиқотларини олиб боришда қўллаш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.В.05.03
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ФЕРГАНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

КУРБОНОВ МИРЖАЛОЛ МАМАСАИТОВИЧ

**ДЕГРАДИРОВАННЫЕ ПОЧВЫ КАШКАДАРЬИНСКОГО КОНУСА
ВЫНОСА И ПУТИ ПОВЫШЕНИЯ ИХ ПЛОДОРОДИЯ**

03.00.13 – Почвоведение

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Фергана–2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2021.2.PhD/В622.

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Национальном университете Узбекистана имени Мирзо Улугбека.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного Совета при Ферганском государственном университете (www.fardu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziyounet.uz).

Научный руководитель: Гафурова Лазизахон Акрамовна
доктор биологических наук, профессор

Официальные оппоненты: Курвантоев Рахмонтой
доктор сельскохозяйственных наук, профессор
Шадиева Нилуфар Искандаровна
доктор биологических наук, старший научный сотрудник

Ведущая организация: Самаркандский государственный университет

Защита состоится « 17 » 09 2022 г. в 10⁰⁰ часов на заседании Научного Совета PhD.03/30.12.2019.В.05.03 по присуждению ученых степеней при Ферганском государственном университете (Адрес: 150100, г. Фергана, ул. Мураббийлар, д.19. Тел.: (+99873) 244-44-02; факс: (+99873) 244-44-93; E-mail: fardu_info@mail.uz).

С данной диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ферганского государственного университета (зарегистрирована № 183). (Адрес: 150100, г. Фергана, ул. Мураббийлар, д.19. Тел.: (+99873) 244-44-02).

Автореферат диссертации разослан « 30 » 08 2022 г.
(реестр протокола рассылки № 9 от « 30 » 08 2022 г.)




Г. Юлдашев
Председатель научного совета по присуждению
ученой степени, д.с.х.н., профессор


У.Б.Мирзаев
Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученой степени, к.б.н., доцент


М.Т.Исагалиев
Председатель научного семинара при по
присуждению ученой степени, д.б.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время согласно расчётам «в мире около 2 миллиардов почвенных ресурсов составляют посевные площади, пастбища, леса, из них в глобальном масштабе деградированы 25 % земельных площадей. В результате почвенной деградации каждый год из сельскохозяйственного использования (оборота) выходит 24 миллиардов тонн плодородной почвы»¹. Деградация земель потеря нынешнего и будущего производственного потенциала является глобальной проблемой и она через продовольственную безопасность, повышения цен, изменения климата, исчезновения биоразнообразия и экосистемы воздействует на всех. Поэтому, разработка научно-обоснованных мероприятий, направленных на защиту почв от процессов деградации, охрану и повышение плодородия деградированных почв является важной задачей.

В мире в ряде приоритетных направлений ведутся научные исследования по систематизации видов почвенной деградации и причин их возникновения, улучшению свойств почв, повышению плодородия и урожайности растений. В этой связи, уделяется особое внимание проведению научных исследований, направленных на улучшение мелиоративного состояния почвы на орошаемых землях, налаживание системы органического земледелия, определение нынешнего состояния почвы и повышение плодородия с использованием современных технологий, предотвращение процессов деградации.

В нашей республике ведутся широко масштабные мероприятия, направленные на комплексное изучение деградированных земель на основе генетического подхода, научное обоснование возделывания качественных, экологически чистых сельскохозяйственных продуктов, улучшение экологического состояния почвы посредством использования стабильно повышающих почвенное плодородие современных ресурсосберегающих агротехнологий. В стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы определены важные задачи по «модернизации сельскохозяйственной и пищевой отрасли, рациональному использованию природных ресурсов, предусматривающие рациональное использование земельных и водных ресурсов и лесного фонда, усовершенствованию системы защиты окружающей среды, повышению почвенной плодородности и продуктивности труда в фермерских хозяйствах, улучшению качества продукции и развитию современных систем управления»². В этой связи, определение причин возникновения процессов деградации в орошаемых почвах конуса выноса, предотвращение негативных процессов, устранение последствий этих проблем, изучение влияния основных, промежуточных и повторных культур на свойства почв, сохранение его биологического

¹ <https://www.thegef.org/topics/land-degradation>

² Указ Президента Республики Узбекистан № ПФ-5853 от 23 октября 2019 года «О Стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан»

состояния, повышение плодородия почвы, повышение урожайности сельскохозяйственных культур имеет важное значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-5742 «О мерах по эффективному использованию земельных и водных ресурсов в сельском хозяйстве» от 17 июня 2019 года, Постановлении Кабинета Министров Республике Узбекистан от 20 октября 2018 года №841, а также в других нормативно-правовых актах, связанных с данной деятельностью.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологии республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

